



Куннинг муҳим воқеалари

Президент Шавкат Мирзиёев 3 февраль куни йирик транспорт инфратузилмаси лойиҳалари бўйича ҳисобот билан танишди.



3 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти, Куроли Кучлар Олий Бош қўмондони Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимиз муҳофаза қобилиятини мустаҳкамлаш масалалари муҳокамаига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳимнинг таклифига биноан 4-5 февраль кунлари расмий ташир билан ушбу мамлакатда бўлади.



Президент Шавкат Мирзиёев 3 февраль куни аҳоли бандлигини таъминлаш ва инвестициялар жалб қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан йиғилиш ўтказди.



2025 йил 31 январь куни «Давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳукумат қарори қабул қилинди. Унга кўра, 2025 йил 1 мартдан давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтлари ва порталлари фаолиятини фақатгина Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портали – www.gov.uz да йўлга қўйиш, юритиш, улардаги ахборот долзарблиги ва хавфсизлигини таъминлаш белгиланмоқда.

Келажакка қадам бугундан қўйилади



– Бизни тарбияланган, касб олган, тилни билган фарзанд кутқаради. Эртага хоҳлаган институтга кириб кета олади, энг яхши ишлар ҳам ўша боланики бўлади... Бугун болага фақат билим бериш билан шугулланмай-диган бўлсак, косамиз оқармайди, биримиз икки бўлмайди... Ақлни ишлатадиган бўлсак, энг кўп ойлик оладиган, энг яхши ишлар бизники бўлади.

Эркинжон ТУРДИМОВ,
Сирдарё вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи



Технологик ривожланиш авж паллага кўтаришган бугунги замонда нафақат STEM (Science, Technology, Engineering, Mathematics)га асосланган юқори технологик кўникмаларни, балки инсонийлик ва ахлоқийлик, ижодий ёндашув ва жараёнларни тўла тасаввур қила олишдек муҳим малакаларни доимий шакллантириб бориш, бу борада мунтазам ўз ўстида ишлаш ва даврий шахсий тафтиш ўтказиш ўта долзарбдир.

Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
Қишлоқ хўжалиги вазири, академик



БУХОРОГА ҲАҚИҚИЙ ЯШИЛ ҚАЛҚОН ЖЕРАК

Ўтган асрнинг 50-60-йилларида Бухоро пахтачилигининг йирик селекционер олими (раҳматли) Авхат Баталов вилоят раҳбари номига Бухоро шаҳри ва вилоятнинг шаҳар-туманлари марказларига асосан шумтол, яъни ясен даракти ўтқазилгани, ammo улар кўпориб ташланаётгани, бунга асло йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида хат киритади.

Шумтол халқ орасида «ўрис даракт» деб аталади. Тўғриси, шумтоғлар Бухоронинг иклим шароитида у қадар баравж ўсма-да, унинг иклимга ниҳоятда чидамли эканини кузатиш мумкин. Бу дарактин селекционер олим «Бухоронинг яшил қалқони» деб атаган эди. Бугун шумтол жуда камайиб кетди, бирор ерда янгидан ўтқазилаётгани ҳам йўқ.

Манзарали даракт сифатида фойдаланётганимиз нинна баргли дарактлар эса, уларга касаллик тарқатувчи хашаротлар «кўчиб ўтиши» туфайли жуда кўп касалликларга чалинмоқда.

Бир вақтлар Ромитан туманидаги марказий йўллар четига қора арча экилган эди. Уларга йилга 5-6 марта турли хил химикатлар билан ишлов берилар ва барглари ювиб туриларди. Бу ишларга анча вақт ва харажат кетарди, ammo улар бу ташвишга яраша на мева, на айтарли соя беради.

Мен Нодир Девонбеги мадрасаси

ичида гурқираб ўсиб турган тут дарактларини кўриб, жой ва иклимга мос келмагани сабабли ўша даракт келтириб чиқарган ташвишларни эсладим.

Хўш, нега кейинги йилларда манзарали дарактлар сифатида кўпроқ нинна баргли дарактлар кўчатлари экиляпти? Аслида, манзарали дарактлар, жумладан, арча, қора арча, қарагай ва қора қарагай табиятан узок йил яшаса-да, бизнинг иклим шароитимизда жуда тез қари-япти. Қарагай (сосна) 15-20 йилга бормай, пастки шохлари қурияти, шунингдек, ҳаво ҳарорати -15 даражада совук уряпти. Қора арча (можжевелник) эса кўп касалликка чалинаётгани оқибатида улар ҳам ўсишдан тўхтаётганини кузатиш мумкин.

Кейинги йилларда ўрмон хўжаликлари ва ободонлаштириш бўлиmlари асосан нинна баргли дарактлар етиштиришга ихтисослаштирилди. Кимдир балки тут, гужум, чинни гужум, чинор,

эман ёки шунга ўхшаш дарактларни ўтқазишни истаса-да, уларнинг кўчатларини топиши амримаҳол.

Албатта, каердадир ёввойи ўрмонча сифатида ҳар хил навли дарактларни аралаш эккан маъқул, ammo каердадир тароватидан баҳра олиш ва имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадида фақат бир хил навли дарактларни қатор қилиб ўтқазиб керак. Сўзимнинг исботи сифатида шуну айтмоқчиманки, ҳозир Бухоро шаҳри кўчаларидаги дарактларга ишлов бериш технологияси турлича эканлиги, сувга талабчанлиги, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш жиҳатлари бир-бирига мос эмаслиги сабабли уларнинг табиий кўркамлигидан баҳра олиш чекланган.

Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳида барк уриб ўсаётган чинни гужумларни кўриш мумкин. Ниҳоятда сўлим манзара. Нега шунақа дарактларни йўл бўйларига ўтқазиб, уларнинг кўчатла-

рини етиштиришни кўпайтириш мумкин эмас?

1966 йилги зилзиладан кейин Тошкентда қатта бунёдкорлик ишлари олиб борилади. Ушанда марказий майдонда жойлашган «Фавворалар хиёбони» ёнидаги бир дона каттагина эман дарактини шу жойнинг меъморий ечимлари нуктаи назаридан олиб ташлаш лозим бўлади. Масала республиканинг биринчи раҳбари даражасигача кўтарилди ва Шароф Рашидов «Бу жиддий масала, эртага ўзим бориб кўраман ва фикримни айтаман», дейди. Эртаси

Менимча, Бухоронинг «яшил қалқони»ни яратиш учун йўл бўйларига кам ишлов ва кам сув талаб қиладиган, узок йиллар ўсадиган, касалликларга чидамли, ҳудуд иқлимга мос дарактларни экиш керак. Хусусан, йўл ва ариқлар бўйларига эман, терак, чинни гужум, тол, каштан, тут, япон софораси каби манзарали дарактлар экилса, мақсадга мувофиқдир.

қуни тонг сахарда майдонга келган раҳбар юз ёшли эман дарактининг барк уриб ўсиб турганини кўриб, ҳеч иккиланмасдан уни сақлаб қолиш бўйича кўрсатма беради. Талабалик даври-мизда бу даракт хақида кўп гапирилар, талабалар шу даракт остида суратга кўп тушишар эди. Аслида ҳар бир дарактга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш лозим. Афсуски, ҳозир бундай эмас...



Мухаммадқосим ОЛИМОВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши раиси

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган

12-11

қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.





ПСИХОЛОГЛАРГА МУХТОЖ БЎЛМАЙЛИК ДЕСАК...

Сериал. Унинг инсон ҳаётига ижобий ва салбий таъсири бўлади. Ижобий таъсири айримларидики ҳақиқатлар киши калбадаги айтолмаган дарди, билдиролмаган фикрлари бўлиб чиқади. Қайсидир жихатдан шукроналик туйса, бошқасида ўз ҳаётини кўради, қай бирдан ўзидаги муаммоларга ечим топади. Бошқа биттасидан эса...

– Тан олиш керак, айни кунларда намоёйиш этилаётган миллий сериалларимизда ҳақиқат ҳам йўқ эмас. Масалан, биргина «Алфонслар»ни оладиган бўлсак, ундаги ҳолатлар ҳаётимизга кириб келяпти. Ҳақиқатан ҳам, ўсмир йигитларнинг бойликка, осон пул топишга қизиқишлари, истаклари алдов йўли билан қизлар ишончига кириш ёки ўзидан ёши катта аёллар қўлида ўйинчок бўлишга олиб борапти. Бу аччиқ бўлса ҳам ҳақиқат. Чунки бундай ҳодисаларни ҳаётимизда ҳам кўриб турибмиз, – дейди психолог Шахнозахон Сиддиқова. – Салбий томонларига келадиган бўлсак, афсуски, жудаям кўп. Чет эл сериаллари инсонлар ҳаётида жуда катта роль ўйнайдими, шахсий ривожланиш учун китоб ўқинг, илмингизни оширинг, ҳаётингизда ўзингиз маркетинг бўлиб, иктисодни ўрганинг, замон ривожланган, онлайн дарсларга қатнашинг, дейилса, санокли кишиларни айтмаганда, кўпчилик бефарқ. Аксарияти кераксиз фильмлар ташвиши билан банд.

УЛАР ЁҚТИРИБ КЎРГАН ЧЕТ ЭЛ СЕРИАЛЛАРИ ҚАҲРАМОНЛАРИ ҲАЁТИДА ЯШАБ КЎРГАНДЕК БЎЛИШАДИ, ИСМЛАРИНИ ФАРЗАНДЛАРИГА ҚЎЙИШГАЧА БОРАДИ. БУ ҚАДРИЯТИМИЗ, МИЛЛИЙЛИГИМИЗГА ЁТ БЎЛИБ, МИЛЛАТИМИЗГА КЕЛАЁТГАН ХАВФ, ДЕСАК, МУБОЛАҒА БЎЛМАЙДИ. КОРОНАВИРУС ТАРҚАГАНДА ПАНДЕМИЯ БЎЛГАНИДЕК, БУ ҲАМ ПАНДЕМИЯНИНГ БИР КЎРИНИШИ. ЯЪНИ ЎША СЕРИАЛЛАР ОҚИБАТИДА ЭРЛАРГА НИСБАТАН АЁЛЛАРНИНГ ТАЛАБ ВА ИСТАКЛАРИ КЎПАЙИБ КЕТАЯПТИ. БАЪЗИ ҚИЗЛАР СЕРИАЛЛАР ҚАҲРАМОНЛАРИДЕК ЙИГИТЛАРГА ТУРМУШГА ЧИҚИШНИ ИСТАБ ҚОЛИШМОҚДА. БУНИНГ ТАСДИГИ ЎЛАРОҚ, ҲОЗИР ҚИЗЛАРНИНГ ИРҚИ, ДИНИ, МИЛЛАТИ БОШҚА БЎЛГАН ХОРИЖЛИК ЭРКАКЛАР БИЛАН НИХОҚ ҚУРИШ ҲОЛАТЛАРИ КЎПАЙМОҚДА. КИШИНИ ҚАЙҒУГА СОЛАДИГАНИ ШУНДАКИ, БУ БИЛАН МИЛЛАТИМИЗ, ЎЗБЕКЧИЛИГИМИЗ, ОДДИЙРОҚ ҚИЛИБ АЙТСАК, ЗОТИМИЗГА ПУТУР ЕТМОҚДА.

Биз конимиз, ўзбекчилигимиз, ўзлимизни сақлашимиз керак, деган миллий ғояда шаклланишимиз лозим. Тўғри, инсон зерикади, ҳаётда нима биландир чалғигиси келади. Ўзбек сериалларидаги оила, қайнона-келин муаммоси, севги, хиёнат, яъни бир хил вазиятлар эса инсонни зериктиради. Ҳақиқатан ҳам, савиясиз кинолар кўлиги учун ҳақиқий образларни чет эл фильмларидан излашга одатланиб қолдик. Яқинда Ибн Сино ҳақида бир сериал кўрдим. Аслида Ибн Сино бухоролик, Ўзбекистон, кўҳна Туркистон фарзанди. Лекин мазмун-моҳияти, савияси ниҳоятда кучли бу фильми турк кинематографлари ишлаб чиқарган.

Қанийди бу каби тарихий шахсларимиз ҳақидаги сериаллар ўзимизда ишланса... Амир Темури, Ибн Сино, ал Хоразмий, ат Термизий, Алишер Навоий, Бобурнинг ҳаёти лентага кўчса, Шукур Бурхонов – Шох Эдил, Аброр Ҳидоятлов – Отелло, Обид Юнусов – Утқурий, Зайнаб Садриева – Фармонбоби образини яратганидек, роллари муносиб актёрлар ўйнаса, халқимиз руҳияти, кадриятига жуда ҳам катта таъсир қилиб, одамларнинг психологларга муҳтожлиги қолмас эди.

АСЛИЯТИМИЗГА ҚАРАБ ЯШАШНИ ЎРГАНИШИМИЗ ЛОЗИМ

Ички дунёсини таҳлил қила оладиган шахсда ўзим кимман, аслим ким, кимнинг авлодман, кимга муносиб бўлишим керак, деган фахр, ичидаги бир гурури кучли шаклланиб бўлади ва у жамиятда ҳеч кимга ёмонлик қилмайди.

Тарихдан билганимиз – бир мамлакатни босиб олмоқчи бўлишса, у давлатга касаллик тарқатишаркан. Халқ жанг қилиш, ватан ҳимояси деган олий вазифасидан чалғиб, ўша даргда ечим топиш учун банд бўлиб қолаверган. Ёки масхарабозларни кўп юборар эканки, улар одамларни миллат ҳимояси, ватанпарварликдан чалғитиш учун ҳазил-мутойбаларга зўр беришар экан.

Ўзимизга керак бўлмаган, ёлгонлиги билиниб турган сериалларга муккасидан кетаверсак, бизда ҳам мана шундай емирилиш бўлмайди, деб айта олмаймиз. Ёлгончи, ўғри, каззоб, фоҳишани оstonасидан киргизмайдиган гурури инсонлар телевизор қаршисидан ҳам оиласига мана шундай сериалларни тақийлай олса, албатта, ўсиш бўлади. Бизда телевиденига бориб, реклама бермоқчи бўлган тадбиркор «Кечки олтидан тунги ўнғача бўлган вақтдаги кетма-кет қўйиладиган сериаллар орасига қўйилик, чунки инсонлар ҳар қандай ишини йиғиштириб, уларни кўради, энг яхши вақт шу пайтга сизнинг рекламатизини жойлаш» деган жавобни



Жамият тақдирига дахлдор

Ёки яна телесериаллар ҳақида мулоҳазалар



олади. Бинобарин, бу пайтда баъзи юртдошларимиз бор ишини йиғиштириб, дунёдан кечиб, ўша фильми кўради. Бу манкуртликнинг бир тури, аслида. Бундай одамларни бошқариш жуда ҳам осон. Кимгадир тобе бўлганнинг ичида қарамлиги бор. У хамиша кутиб, талаб қилиб яшайди.

Чуқурроқ ёндашган ҳолда, «севги»ни олиб кўрайлик. Севги – бир туйғу, талаб-истакнинг бир тури. Уни илоҳийлаштирмаган маъқул. Сиз кимнидир ёқтирасиз-да, унинг талабини бажарувчи қулга айланасиз. У ҳоҳ эру хотин, ҳоҳ икки дўст, ҳоҳ ака-ука, опа-сингил – қаршингиздаги инсонга ҳам талаб қўйишни бошлайсиз. «Сенга уни қилдим, сен қилмадинг», каби. Энг ногизи – фарзандингизга нисбатан севгини олайлик: унга ҳам «сен яхши кўрган боламсан, ундай ё бундай бўлишинг керак», деган талабини қўямиз. Умуман, фарзандингиз, турмуш ўртоғингиз, севган инсонларингиздан мана шундай севги талабларини кўпроқ талаб қилишни бошлайсиз. Бу оиллага нотинчлик олиб киради. Жанжалларга сабаб бўлади.

Биз сериаллар оқибаतिда мана шундай севги исканжа-сидамиз, десак, тўғри бўлади. Яъни улар орқали кимларнинг севгисини қузатиш, оилавий муаммосига аралаштириш, кўр-қўрона уларни таҳлил қилиш – бу билан ана шундай вазиятларни ҳаётимизга ўзимиз тортиб олиб кириб қўйган, ўша вазиятларни яшаб беришга мен тайёрман, деган бўламан. Қани эди халқимиз тушуниб, ана шундай кераксиз акборотлар манбаидан ўзига чеклов қўйганда, эди ҳаётлари сокин, тинч ва қувончга тўла бўлган бўларди. Биз аслида сериалларга эмас, балки ички дунёмиздаги аслиятимизга қараб яшашни ўрганишимиз лозим.

КИМ ҒОЛИБ?

«Ховли» номи турк сериалида мажбуран севдириш лозимлиги, акс ҳолда, «ҳаётга нукта қўйилиши» тақдир қилинади. Маънавият, кадрият, миллийлик, урф-одатлар, ифбат, ор-номус, ҳамият деган туйғулардан эса дарак йўқ. Эътиборни тортган яна бир жихат – бу фильм ҳам ёшларга суниқиди «ослатган». Одамлар ўзгариб, аёллар гиёҳвандликка ружу қўйгани ва бу оддий ҳол эканлиги, энг ёмони, қизларга зўравонлик қилиниши кўрсатилди. Ўз жонига қасд қилишга мажбур қилинаётган сахналар бисёр.

«Ғазилатхоним қизлари», «Сўйла қора, денгиз» ва бошқа кўплаб сериалларда ҳам қатор таҳдидлару иллатлар намоёйиш этилади. Бой ва камбағал ҳаёти солиштирилади. Келин қайнонани масхараменасилиги, тишини каби дий-

Энг ёмони, сериалларнинг ранг-баранглиги, айниқса, ундаги



қиз-жувонларнинг ичиши, очик тор, қалта либосларда намоён бўлиши, енгилтақлик, ўйин-қулгуга берилиш, мода, ҳаддан ортик бўяниш, юзининг табиий ҳолати пластик жаррохлик йўли билан ўзгартирилиши, оила муносабатларига енгил қараш қабили аёллар ва ёш қизларни ўзига жалб этмоқда. Татуаж, ботокс, улама кийрик қўйиш каби ҳолатлар киз ва аёлларимизнинг ҳуснига «хусун» қўшмоқда.

Оилавий ажримларнинг олдини олиш, оила муқаддаслигини аниқлаш бўйича қилинаётган кенг қўламли ислохотлар кучи битта сериал «мева»си олдида ожизлик қилиб қолма-яптимики?! Бу ерда ким ғолиб?!

ОММАГА ОЛИБ ЧИҚИШ ЎРИНЛИ ЭДИМИ?

ГАЗЕТХОНЛАРНИНГ ЁДИДА БЎЛСА, НАШРНИНГ ЎТГАН СОНЛАРИДА ТЕЛЕСЕРИАЛЛАРНИНГ БИРИДАГИ ВОКЕА – ИЧКИЙИМ МОЖАРОСИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗА ЮРИТГАНДИК. БУ МАВЗУНИ КЎТАРИШГА САБАБ БЎЛГАН КАДРНИ ЭСА ИККИ ТОМОНЛАГА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ МУМКИН. БАЛКИ ҲАЁТДА ЎЗ КЕЛИНИНИ ШУНАҚА ТЕКШИРИБ ТУРАДИГАН ҚАЙНОНАЛАР ҲАМ БОРДИР. ЛЕКИН БУНИ ОММАГА ОЛИБ ЧИҚИШДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАД НЕ? БУ ТОМОШАБИГА НИМА БЕРАДИ? НИМА, ҲОЗИР ҲАММА ЎЗБЕК ОИЛАСИ МАНА ШУНДАЙ МАЙДА-ЧУЙДА, ИКИР-ЧИКИР, ИЧКИЙИМ МУАММОСИ БИЛАН ЎРАЛАШИБ ҚОЛГАНМИ? НАҲОТКИ, БУ ҲОЛАТ МАНТАЛИҚА ҲАМ, ЭТИКАГА ҲАМ, ЭСТЕТИКАГА ҲАМ, ҚЎЙИНГКИ, БИРОН-БИР ҚОЛИПГА ҲАМ ТЎҒРИ КЕЛМАСЛИГИНИ ЎША РЕЖИССЁРУ АКТЁРЛАР, СЦЕНАРИЙ-НАВИСЛАР БИЛИШМАСА?

– Психолог назари билан таҳлил қилсак, қайнона бу ерда ўзининг соддалигидан азият чеккан. Ҳаёт йўлида бу нарсаларни уят билган, ор-номус, қўшнилари, қайнона-қайнотам нима дейди, деган ҳар хил кўрқувлари орқали турмуш ўртоғи билан ҳам нормал ҳолатда муносабатда бўлолмаган, ўзи хоҳлаган ҳаётда яшолмаган, бир сўз билан айтганда, тан олинмаган инсон образига кўринади. Келинга келсак, соддагина кийинган, камтаргина, ерга қараб ибор билан гапириб турган образда бўлиб, қалбда эркинлик бор. Қалбда ўзига бўлган ишончи, яъни ҳар бир соҳани эплай оламан, уддалай оламан деган қизлиги кўриниб турибди. Тан олинган инсонга эса чегара йўқ, – дея ҳолатни изоҳлайди Шахнозахон Сиддиқова. – Психотроп моддалар

истеъмол қилиш,

Орадан салкам уч йил ўтди. Энди савол туғилади: бу даврда берилган топшириқлар ижроси бўйича соҳада қандай ишлар амалга оширилди? Миллат савиясини кўтарадиган фильмлар яратилдими? Бунга мутасаддилардан жавоб кутиб қоламиз.



Салим АБДУРАХМОНОВ

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2022 йил 20 декабрдаги 961-ш-р-сонли фармойишга асосан берилган 2003 йил 11 июлдаги 608-сонли мулк ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордери йўқолиши сабабли бекор қилинади.

Хитой Халқ Республикаси томонидан 2016 йил 8 декабрда BAIERGANJIANG PAIZULA номга берилган E 85868592 рақамли фуқаролик паспорти Тошкент шаҳри ҳудудига йўқолиб қўйилган. Топиб олинган шахсларга +99899606335 рақамига мурожаат қилиш сўралди.

Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси тармоқнинг Жалақдуқ тумани кенгаши раиси Сандақмамал Раҳмонова турмуш ўртоғи Нозира РАҲМОНОВА вафот этгани муносабати билан ҳамдарди билдиради.

Ўзбекистон Metallургия ва машинасозлик сонаоти ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси Наманган вилоятидаги «ЎзЧасис» масъулияти чекланган жамияти қасаба уюшма қўмитаси раиси Улугбек Каримовга акаси Нельматжон КАРИМОВ вафот этгани муносабати билан таъзия ихсдор этди.



Туркия Сурияда ҳарбий база қурмоқчи

Туркия Сурияда иккита ҳарбий база ташкил қилиб, уларда 50 та F-16 самолётини жойлаштиришни режалаштирмоқда, деб ёзди Turkey нашри.

Анкара Дамашк билан мудофаа бўйича ҳамкорлик ҳамда суриялик ҳарбийларни ўқитиш ҳақида келишув имзолашни кўзламоқда. Сурия Туркиядан дронлар ва Исроил чегарасини назорат қилиш учун радиолокация тизимларини сўраган.

Бу масала юзасидан ҳозирча расмий изоҳ йўқ.

Япония бош вазири АҚШга бормоқчи

Япония бош вазири Сигэру Исиба 6-8 февраль кунлари АҚШ президенти Дональд Трамп билан учрашиш учун АҚШга ташриф буюришни режалаштирмоқда.

Учрашувда Осиё – Тинч океани минтақасидаги ҳамкорлик, Америка газини етказиб бериш ва Аляскада газ қувурини қуриш бўйича тақлифлар билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.



Трамнинг таклифи

«Канада АҚШ таркибига қўшилиб, солиқларни пасайтириши ва божхонани бекор қилиши керак», деди АҚШ президенти Дональд Трамп.

«Биз Канада учун юз миллиардлаб маблағ сарфлаймиз. Бизда уларниқандан кўра кўпроқ ресурслар бор. Канадаликлар учун солиқлар қанчалар камаяди ва ҳарбий химоя яхшиланади», деб ёзди Трамп «Truth Social» саҳифасида.

Оттава АҚШ товарларига нисбатан 106,5 миллиард долларлик 25 фойзлик жавоб божларини жорий этди.

Панама-Хитой меморандуми бекор қилинади

Панама президенти Хосе Рауль Мулино мамлакат Хитой билан «Бир макон – бир йўл» ташаббуси доирасидаги ҳамкорлик битимини узайтирмаслигини маълум қилди.

«Биз лойиҳани муддатидан олдин тугатиш имкониятини кўриб чиқмоқдамиз», деди Мулино АҚШ давлат котиби Марко Рубио билан бўлиб ўтган музокаралардан сўнг.



Жаҳонгир НАҲАНОВ тайёрлади



САНГАНАҚДА САЙЁР ҚАБУЛ

Кўплаб муаммолар жойида ҳал бўлди



Санганак – Тошкент вилояти Паркент тумани тоғ ёнбағридаги қишлоқлардан бири, туман марказидан қарий 25 километр узоқда жойлашган. Айрим тарихий манбаларда 600-700 йил аввал ташкил топгани қайд этилган. Топономикасидаги «Санг» – тош, тупроқ, яъни «Тошли қишлоқ» маъносини билдиради. Тилдан-тилга ўтиб келаётган яна бир ривоятда Сангил ота исми киши ушбу ҳудудда истиқомат қилгани, Санганак номи шундан келиб чиққани ҳам айтилади.

Аҳолиси ҳозир 1 минг 740 нафар. Одамлари асосан боғдорчилик ва бошқа деҳқончилик билан шуғулланади. Чорвачилик, паррандачилик ва асаларичилик билан машғул оилалар ҳам бор. Ўтган даврда 59 нафар фуқарога деҳқончилик қилиш учун узоқ муддатга ер ажратилган. Маҳаллада ноғиронлиги бўлган шахслар 45 нафар, «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар 36 нафар, «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшлар эса 7 нафарни ташкил этади.

Санганакда «Қишлоқда бир кун» лойиҳаси доирасида Тошкент вилояти хокими Зойир Мирзаевнинг фуқаролар учун оммавий сайёр қабули бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги 4 та сектор раҳбарлари биргаликда аҳолининг муурожаат ва тақлифларини тинглади.

– 30 ёшли ўзим икки йил аввал хорижга ишлаш учун кетганди, – дейди Зулайхо Убаева. – У ерда ҳужжатларини йўқотиб қўйган, анчагина сарсон бўлди. Ўтган йилнинг октябр ойида вилоят хокими бошчилигида мигрантлар билан онлайн мулоқот бўлди. Ушанда ўзимга ҳам мулоқотга улашилгани айтди. Унинг муурожаатини тинглаган ҳоким чиптасига ердан бериб, уч кундаёқ баеримизга қайтиб келишга сабабчи бўлди. Ҳозир мен сайёр қабулга миннатдорлик билдиришни келдим.

Сайёр қабулда фуқаролар ишга жойлаштириш, кадастр ҳужжатларидаги муаммоларни ҳал этиш, тадбиркорликни йўлга қўйиш, даволаниш каби кўплаб муурожаатлар билан вилоят хокими ҳамда сектор раҳбарларига юзланишди. Вилоят хокимининг ҳар бир соҳа раҳбар ва мутахассисларига берган топириқлари орқали фуқароларни қийнаб келатган кўплаб муаммолар шу ернинг ўзида ечим топди.

Тадбир давомида вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси ва туман Тиббиёт биришмасининг малакали эндокринолог, ЛОР, ЭКГ, педиатр, уролог-жароҳ, гинеколог каби тор доирадаги шифокорлар томонидан жами 14 дан зиёд йўналишларда 300 нафарга яқин кесалар, тугъи ёшидаги аёллар, ёшлар саломатлиги текширилди. Шу билан бирга, ётоқда, ҳаракати чекланган айрим фуқаролар хонадонида ҳам мутахассислар томонидан тиббий текширувлар ўтказилди. Жараёнда беморларга керакли тавсиялар берилди, уларни соғломлаштириш режаси белгилаб олинди.

– Ҳозирги вақтда олис жойлардаги аҳолига тиббиётни имкон қадар яқин қилиш бизнинг асосий вазифаларимиздан бири, – дейди Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Тўракул Арзикулов. – Биз, энг аввало, скрининг текширувлари ўтказамиз. Бу орқали беморларда қанч қасаллиқнинг олдини олиш, турли ёшда доир хасталиқларни тахлил қиламиз. Одатда, ҳавоси тоза, тоғли жойларда қасаллиқка чалинишлар кам бўлади. Бироқ барибир аҳоли саломатлигида муаммолар бўлиши тайин ва унинг олдини олиш зарур. Шунинг учун, кўчма тартибда, зарур ускуналар асосида текширув ўтказамиз.

Шунингдек, талбир доирасида маҳалла ёшлари иштирокида волейбол, стол теннис, шахмат, шашка каби қатор спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди. Голиблар ва фаол иштирокчилар ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди. Ҳудуддаги ягона 21-умумтаълим мактаби кутубхонаси учун 500 га яқин бадий ва илмий-оммабоп китоблар топширилди. Аҳоли, айниқса, ёшларнинг вақтинчи мазмуни ташкил этиш мақсадида кўчма кинотеатр ташкил этилиб, бадий фильмлар намойиш қилинди.

– Бундай сайёр-ҳаракатлардан қўзғанилган мақсад, аввало, санганаклик ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, – дейди Ёшлар ишлари агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси раҳбари Нодир Хожиев. – Кун давомида ёшларнинг тақлиф ва ташаббусларини ўргандик. Энди йил давомида улар билан мунтазам ишлаб, вилоятда ташкил этиладиган турли тадбирлар, оммавий спорт мусобақалари, ижтимоий лойиҳаларга жайл қиламиз.

Сайёр қабулдан сўнг аҳоли учун маданий-маърифий тадбир ҳам ташкил этилди. Даструрхон ёзилиб, ош тортилди. Шундан сўнг, кун анча кеч бўлиб қолганига қарамастан, вилоят сектор раҳбарлари ёши улуглар, ноғиронлар, ижтимоий химояга муҳтож фуқароларнинг хонадонига келишди.

Фуқаролар миннатдорлик айтиши билан бирга, ҳудуд ривожига ҳамда аҳоли ҳаётининг янада яхшиланиши бўйича ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдиришди.



Холида ЭГАМБЕРДИЕВА «ISHONCH»

Маҳкам билан танишган кунимиз кечагидек эсимда... Ушанда 2009 йилнинг ноябрь ойи эди. Бу сафар ҳам институтга киролмаган, «Кўлимда коллеж дипломи, хунарим бор, бекор юрмай», деган ўйда Кўкчадаги тўқимачилик фабрикасида (бир танишимнинг тавсияси билан) ишга кирокчи бўлдим.

Эрта тонгда туриб, ўша корхонага йўл олдим. Суриштириб билдимки, бу ерга ишга киришдан аввал суҳбат ва синовдан ўтиларкан. Эшик олдида мендан бошқа яна талай номзодлар бор эди. Маҳкамни илк бор шу ерда учратдим. У мендан кейинги навбатда эди. Кўринишдан анча кўпол ва тўпори, муомаласи ҳам шунга яраша. Юзидаги чандик ва кўкаришлар анча уришқок йиғит эканидан далолат бериб турарди. Ёшимиз тенг бўлгани учун у билан бир зумда чиқишиб кетдик. Оккўргонлик бу йиғит аввал ҳам келган, аммо имтиҳондан ўтолмаган экан. Бир-биримизга ерданимиз тегиши мумкинлигини қайта-қайта тахлиллагач, ортқича эътироз билдирмадим.

Кутилган имтиҳонда унга кўлдан келганча ерданимиз. Синовлар аслида у қадар мураккаб ҳам эмас экан – шунчаки олдий, ҳаётий саволлар. Суҳбатдан сўнг мени бошқа цехга «механик», уни бошқа цехга «ғрузчик» лавозимига қабул қилишди.

Бу жамоада ишлаганлар яхши билишади. Кийим-бош алмаштиридан махсус хонада темирдан ясалган шафлар бўлади. Уларда ишчиларнинг кийим-кечаги ва шахсий буюмлари сақланарди. Иккаламиз бошқа бошқа сменда ишлашимизни хисобга олиб, Маҳкам билан менга шундай шафлардан биттасини берди.

Шу тарика ишга киришниб кетдим. Маҳкам билан смена алмашадиган пайларда ёки кимнингдир ўрнига алмашиб ишлаган кезларимизда рўбарў келмасак, дерайи учрашмасдик.

Бир кун кечки сменга келсам, кийим алмаштириш хонасида жанжал бўляпти. Қарасам, Маҳкам ўзидан нимжонроқ бир йиғитни аёвсиз қалтаклаяпти. Бошқалар шунчаки томошабин бўлиб турибди. Уларни ажратишга ҳаракат қилдим. Маҳкамни бир чегга судраб, танбег берган бўлдим. Бу ишни билан баалога қолдим – у мени ҳеч қандай сабабсиз қуракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қила бошлади. Бу ҳам етмагандай, кутилмаганда юзимга мушт тушириб қолди. Жаҳлим чиқиб кетди, лекин ўзимни босдим. Ваҳоланки, унга бемалол кучим етарди. Қолаверса, у маст эди.

Бир хил одамлар бўлади, биров билан ҳеч қандай сабабсиз ҳам ёқалишиб кетаверади. Маҳкам айнаи ўша тоифадан экан. Шу воқеадан кейин унга муносабатим ўзгарди. Кийим шафимни ҳам алоҳида қилдим.

Аммо кўп ўтмай, у билан яна зиддиятга бердик. Бу сафарги тортишувга бир киз сабабчи бўлди. Зилола унинг суҳбатларидан бўлиб, мен билан битта цехда, бир сменда ишларди. У кизларнинг «мастерни, шу боис ускуналарга иккимиз бирдек жавабгар ҳисобланам, ишимиз ўзаро мулоқотни талаб етарди. Ҳар бир ишни у билан бамаълаҳат қилишга мажбур эдим. Маҳкам бўлса, ундан узоқроқ юришимни қатъий тайинлади.

Хуллас, бора-бора Маҳкамни

унча хушламай қолдим. Қачон қараса, урушининг пайдидан бўлиб юрадиган дилдор одам кимга ҳам ёкарди?..

Кунларнинг бирида сменани топириб, кийим алмаштиридан хонага келсам, шафимдан лаг очиб, Қайсидир «азамат» кулфни бузиб, ичини шипшидам қилиб кетибди. Бир ҳафта олдин янги куртка олгандим. Уни ўтириб қўйганимга қаттиқ аччандим, сабаби – пешона тери билан топган, ҳаражатлардан мисқолаб орттириб, йиққан пулимга сотиб олгандим. Аслида шафда бундан бошқа киммат буюм ҳам йўқ эди.

Ўйлаиб турганим, Маҳкам келиб қолди. Ҳолатни кўргач, энасини котириб, «Эй, ўзинг»

– Оғайни, мабодо чекмай-сизми? – деб гап бошлади у.
– Йўқ.
– Бир нарсга сўрасам. Ўн йиллар олдин Кўкчадаги «Гекстиль»да ишлаганимизсиз?
Адашмаган эканман. У ўша, эски танишим – Маҳкам эди.
– Ёдингизда экан-а.
Шундан сўнг бир-биримиз билан худди эски кадрдонлардек, қайта кўришдик. Мулозатини йиғиштирдик.
– Хўш, ошина, сени бу ерларга қайси шамол учирди?
– Ишлайман. Мойканинг иш бошқарувчиси ҳолаваччам бўлади.
– Ёнингда юрган ким?
– Ўғлим.
– Бочга ё мактабга бормай-

рон-бир натижага эришингми? – дедим дағал. – Ҳаётингда энтиқиб, орзиқиб эслайдиган ҳолатнинг ўзи йўқ, шекилли. Боланг олти ойдан бери онасини соғинмадими? Ота-онанга ичининг ачимайдими? Ҳеч бўлмаса, уларга пул жўнатиб тургандирсан?
– Хотиним ажрашишга ариза берган. Ажрашсак, қайта уйланман. «Отаўғил» эса ўзим билан қолади. Уйга пул жўнатмайман ҳисоби. Еб-ичиб юрирман. Ортса, йиғилман.
«Отаўғил»ни биров қузатди. Кўриниб турибдики, унда ҳеч қандай соғини йўқ, аксинча, кўзлари совуқ ва нуриез.
– Онангни соғинасанми? – аста сўрадим ундан.



га пишиқ бўлмайсанми, чаток бўпти», деб ўзинча койгандек бўлди-да, анил-тапил кийимларини алмаштириб, цехга кириб кетди. Кейин билдимки, бу ерда кўп ўғриликлар бўлиб тураркан.

Корхонадаги фаолиятим тўққиз ойга етгач, сабр-бардошим тугади. Бу ерда ортқик қолмастлигини тушуниб етдим ва шидан бўшаб кетдим.

Шу билан Маҳкамни бошқа кўрмадим.

Орадан йиллар ўтди. Ҳаракатларим, уришилларим зое кетмади – ниҳоят ўқнишга кирдим. Институтни тамомлағач, ўз соҳам бўйича ишга кирдим. Оила қурдим. Ҳаётим секин-аста изга туша бошлади. Тўқимачилик фабрикаси, Маҳкам, йўқолган куртка эсимдан чиқиб кетди. Аммо...

2024 йил кузида машинани ювдириш баҳонасида туманимиздаги мойкага кирдим. Бир йиғит кўзимга иссиқ кўрина бошлади. Яхшилаб разм солсам, Маҳкамга ўхшашти. Ортида 6-7 ёшлардаги бола юрибди. «У бошқа тумандан бўлса, биз тарафларда нима қилади? Шунчаки одам-одамга ўхшайди-да», деб унча эътибор бермадим. Ишим битгач, у ердан кетдим.

Ўн кундан сўнг яна мойкага йўлим тушди. Бу сафар эски танишимнинг қиёфаси бўш экан, машинани ювиб берадиган бўлди. Иш жараёнида уни синчиқлаб кузата бошладим. Тавба, одам бир-бирига шунчалик ўхшайдими ёки бу ростан ҳам ўшамми?.. Фикримни уқди, шекилли:

– Йўқ, далам билан юрсам бўлди.

Билдимки, на Маҳкамга, на унинг ўғлига панд-насихат қилишдан нафўйқ. Орадан шунча йил ўтса ҳам ўзгармаган. Бошига тушган ташвишлардан етарлича хулоса чиқармаган. Аксинча, унинг ўз хақиқати, ўз ҳаёт йўли бор ва унда собит. Навилож, букрини гўр тўғрилайди. Ишқилиб, «отаўғил»ни ҳам мана шунана кимсат қутмасин-да...

Машинани ювиб бўлгач, унинг хақини узатдим. Бироқ у пулни олишни истамади. Табиийки, ҳайрон қолдим.

– Хиҷолат бўлма, олавер, меҳнат ҳақинг, ахир.

– «Текстиль»да йўқолган куртканг эсингдами?

– Ҳа, нимага сўрагансан?

– Шунчаки ўзим. Ким олган деб ўйлайсан?

– Қайдам, қўлга тушмаган – ўғри эмас.

– Унда, майли, пулни олганим бўлсин...

Унга ялт этиб қарадим у калбимда қандайдир ортқик сезгандек бўлдим. Машина ўриндиғига беҳол чўқдим...

– Маҳкам, шу уришиб, би-

Шоҳида болалигида врач бўлишни орзу қиларди. Бироқ камбағал оилада туғилгани унга панд берди. Ота-онасининг топган-гутгани тўққиз фарзандни тарбиялаб улғайтириш, рўзғорни тебратиш учун аранг етарди. Шу боис у институтда ўқиб, оила иқтисодига зарар етказишни истамади, оддийгина ҳамширалик касбини танлади. Ҳар нечун, ўз ишнинг ҳақиқий устаси бўлиб етишди. Унга кўпчилик «доктор» деб муурожаат қилар, бундан кўнгли тоғдек кўтариларди. Бироқ...

Камбағални туянинг устида ҳам ит копади дейишлари бежиз эмас экан. Шоҳида оила қуриб, икки фарзандли бўлганида турмуш ўртоғи вафот этди. Рўзгорнинг бор ташвишлари унинг елкасига тушди. Қайноғалари ота уйини бўшатиб қўйишни талаб қилишди. Бу ёшда янгаларнинг мангиларини мушт бўлди. У кизлари билан бирга ижарага олинган ўйда яшай бошлади. Индан сўнг кўни-қўшинларнинг илтимосига кўра, уларга уқол қилди. Ким беш, ким ўн сўм, ким иккита нон берди.

Қандай яшашдан қатъи назар, Шоҳида кизларини олий ўқув юртида ўқитишга аҳд қилди. Шунга кўра, болалик пайлариданоқ яхши таълим олишлари учун уларга шароит яратди. Доим битта қўйлақ кийиб юрса ҳам, ёвгон шўрва ичса ҳам, кизларига репетитор ёллаш учун пул топди. Дам олиш кунлари Ҳазорасп бозоридан келтирилган майда-чуйда махсулотларни уйма-уй юриб сотди.

Бир умрлик режа

Орадан йиллар ўтиб, аста-секин оиланинг иқтисодий аҳволи ўнланди. Шу боис икки хонали уй олди. Кизлари у орзу қилганидек оқила ва билимли бўлиб воёга етдилар. Каттаси Манзура Урганч давлат университетига грант асосида ўқинишга кирганида Шоҳидадан бахтли инсон йўқ эди. Кичкинаси Мадина эса «Она, мен Кореяда таълим олишни хоҳлайман», деганида, кўп ўйлаб ўтирмай, уни корей тили курсларида ўқитди. Натижаси чакки бўлмади – Мадина Кореянинг нуфузли университетига кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтди. Шоҳида «Сени, албатта, ўқитаман!» деди ва уйини сотувга қўйди. «Ундай қилманг; она, мен шу ерда ҳам ўқийвераман», деди Мадина хиҷолат тортиб. «Йўқ, Кореяда ўқийсан, ўн йилдан зиёд ижарада яшадик, яна яшайверамиз», деди Шоҳида кизини бағрига босиб.

Мадина университетда кунт билан тахсил ола бошлади. Иккинчи курсда грант ютиб олишга муваффақ бўлди. Шоҳида эса кунни тунга улаб меҳнат қилиб, кредитга уй харид қилди. Ўша кезлар қатти кизи дарсадан сўнг болаларга инглиз тили бўйича репетиторлик қилганидан бўлди.

Ҳозир Мадина учинчи босқичда ўқимокда. Институтни тугатиб, магистратурада тахсил олмокчи.

– Насиб қилса, кизим олима бўлади, – дейди Шоҳида ишонч билан. Мен агар ҳамма ҳам у каби фикрлаб, у сингари меҳнат ва ҳаракат қилса, барча кизларимиз бахтли бўларди, деб ўйлайман. Аслида ақсарият ота-оналар учун фарзандларининг келажаги барча нарсалдан муҳим ҳисобланади. Улар бунинг учун ўз ҳаётларини фидо қилишга ҳам тайёр бўладилар. Би-

Изро Малаков ижросида «ҚУРБОН ЎЛАМ» қўшиғи

Келгил, эй, моҳилиқо, хуснингга қурбон ўлам, Халқайи зулфи паршонингга қурбон ўлам, Чашми масти лаби хандонингга қурбон ўлам, Офтоби рўйи тобонингга қурбон ўлам, Қадди шамшоди хиромонингга қурбон ўлам, Ман сана қурбон ўлам.



Изро Малаков ижросида «ҚУРБОН ЎЛАМ» қўшиғи

роқ баъзи ота-оналар фарзанди учун нима муҳимлигини тўғри англамайди. Кимдир ўзи емай, ичмай фарзандига пул жағғаради, кимдир болам мен кўрган қийинчиликни кўрмасин дея, уни эркалатиб қўяди.

Шоҳиданинг фидокорлиги эса Конфуцийнинг қуйидаги сўзларини ёлга солди: «Агар сизнинг режангиз бир йиллик бўлса, шолни экинг; ўн йиллик бўлса, дарахт ўтказинг; агар бир умрлик режа тузган бўлсангиз, болаларингизни тарбияланг».

Айниқса, киз болани муносиб тарбиялаш, ўқитиш, илмди қилиш орқали унинг бахтли турмуш кеңиришини қафолатлаш мумкинлигини ҳаётнинг ўзи исботламокда.



Мухаббат ТўРАБОЕВА «ISHONCH»

Азиз газетхон!
Мароқли дам олинг!



Изро Малаков ижросида
«ҚУРБОН ЎЛАМ»
қўшиғи

MYACCCIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalar Federatsiyasi
ISSN 2010-5002
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuoti va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
«Ishonch» va «Ishonch-Doeperie» gazetalarini tahrir hayati:
Qudratilla RAFIQOV (tahrir hayati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinborsari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doeperie»)
Bosh muharrir **Husan ERMATOV**
Bo'limlar: Kasaba uyushmalar hayoti – (71) 256-64-69 Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43 Marketing va obuna – (71) 256-87-73
Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20 Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23 Bukhoro viloyati – (+998-99) 889-90-31 Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12 Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34 Namangan viloyati – (+998-99) 213-09-66 Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26 Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55 Surxondaryo viloyati – (+998-99) 379-19-70 Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44 Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24 Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 705-08-93
«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda mabna sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflari fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
Navbatchi muharrir: J. Nahanov
Mudohibilar: D. Xudayberganova, D. Ravshanova
Sahifalovchi: H. Abdullajilov
Bosishga topshirish vaqti – 23:50 Topshirildi – 00:20
Bahosi kelishilgan narxda
Manzili: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch1991@yandex.uz
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Nashr ko'rsatkichi: 133
Umumiy adadi 32 427 ta
Shundan: 6 246 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uyda; 18 273 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 7 908 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.
Gazeta ofset usulida, A2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-211 1 2 3 4 5 6